

«РЎЙХАТГА ОЛИНГАН»

Тошкент шаҳар Сирғали туман ҳокимияти
Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан
Утказиш инспекцияси томонидан
2014 йил « 16 » 02
06 000071 -рақам билан

М.Ў.



«ТАСДИҚЛАНГАН»
“ASL OYNA”

акциядорлик жамияти акциядорларининг
2014 йил 27 июндаги
умумий йиғилиши томонидан



“ASL OYNA”
акциядорлик жамияти
УСТАВИ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни (матн давомида – Қонун) ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

1.2. Жамият ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни (06.05.2014й. УРҚ-370-сон) ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ олиб боради.

1.3. Жамиятнинг тўлиқ фирма номи:

Ўзбек тилида:

- кирилл алифбосида – “ASL OYNA” акциядорлик жамияти (матн давомида – Жамият деб юритилади)

- лотин алифбосида – “ASL OYNA” aksiyadorlik jamiyati

Рус тилида:

- акционерное общество «ASL OYNA».

Жамиятнинг қисқартирилган фирма номи:

Ўзбек тилида:

- кирилл алифбосида – “ASL OYNA” АЖ

- лотин алифбосида – “ASL OYNA” AJ

Рус тилида:

- АО «ASL OYNA»

1.4. Жамиятнинг жойлашган ери (почта манзили): Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Проектная кўчаси, Г-90 уй. Индекс: 100155.

Электрон почта манзили: asloyna@mail.ru

Расмий веб-сайти: www.asloyna.uz

II. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ СОҲАСИ (АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ) ВА МАҚСАДИ

2.1. Жамиятни ташкил этишдан асосий мақсад Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолиятдан акциядорлар манфаатлари учун фойда олишдир.

2.2. Жамият асосий мақсадига эришиш учун фаолият ва хизмат кўрсатишнинг куйидаги турларини амалга оширади:

- ❖ шиша идиш ишлаб чиқариш;
- ❖ таъмирлаш - қурилиш ишлари ва таъмирлаш – йиғиш ишлари, сантехника ва авария оқибатларини бартараф этиш ишлари, дизайн бўйича ишлар;
- ❖ материалларни иккиламчи қайта ишлаб чиқарилишини ташкил этиш;
- ❖ барча турдаги транспортларда юк ташиш ишларини бажариш;
- ❖ омборхоналар майдонларини ижарага бериш, контейнерлар омборхонаси фаолиятини ва экспорт импорт юк ташиш жараёнларини диспетчер томонидан назорат қилишни ташкил этиш;
- ❖ ер участкалари ва омборхона майдонларини ижарага олиш, омборхонада юк сақлаш еки юк ҳамда юк оргиш техникаси билан бошқа операцияларни амалга оширувчи ташкилотларга хизмат кўрсатиш еки уларнинг хизматидан фойдаланиш;
- ❖ юкларга оид боғхона декларацияларини расмийлаштириш бўйича хизматлар кўрсатиш;
- ❖ юк ортиш ва тушириш ишлари, уларни сақлаш ва ташишни ташкил этиш, ички ва ташқи худудларда экспедиция хизматлари ва юк ташиш ишларини амалга ошириш;

- ❖ хусусий ва қарзга олинган молиявий маблағлар еки чет эллик ҳамкорлар маблағи ҳисобига товар, иш ва хизматлар бўйича экспорт импорт операцияларини амалга ошириш, шартномаларни имзолаш ва уларни бажариш;
- ❖ молиявий, воситачилик фаолиятни амалга ошириш, шу жумладан савдога оид воситачиликни;
- ❖ бошқарув, молия ва тижорат фаолиятига оид масалалар бўйича маслаҳатлар бериш;
- ❖ кимматли қоғозларга маблағлар жойлаштириш;
- ❖ қурилиш материаллари ва қурилиш соҳасига оид бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш;
- ❖ кўرғазма, ким ошди савдоси, тақдирот маросимлари ва реклама кампанияларини ташкил этиш ва ўтказиш;
- ❖ чет элдан келтирилган ва маҳаллий ускуна ва техникаларга сервис хизмати кўрсатиш;
- ❖ ташқи иқтисодий фаолият;
- ❖ Ўзбекистон Республикаси Қонунларига зид бўлмаган барча фаолият турлари;
- ❖ Махсус руҳсат (лицензия) талаб қилинадиган фаолият турлари, ўрнатилган тартибда лицензия берилганидан сўнг амалга оширилади.

III. ЖАМИЯТ УСТАВ КАПИТАЛИНИНГ МИҚДОРИ

3.1. Жамиятнинг устав капитали акциядорлар олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади.

3.2. Жамиятнинг устав капитали 1 392 770 000 сўми ташкил қилиб, у ҳар бирининг номинал қиймати 1 000 сўм бўлган 1 392 770 дона оддий акцияларга бўлинган.

а) Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш

3.3. Жамиятнинг устав капитали акциялар номинал қийматини ошириш ёки қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

3.4. Қўшимча акциялар Жамият томонидан ушбу уставда белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилади.

3.5. Жамият устав капиталини ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялари миқдори - номинал қиймати 1 000 сўм бўлган 50 000 000 дона оддий акциялардан иборат.

3.6. Қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча акцияларнинг умумий қиймати, сони, тури, номинал қиймати, жойлаштириш тартиби, усули (оммавий ва хусусий йўсинда), муддати, жойлаштириш (акцияларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи, акциялар учун тўлов тартиби, амалга ошмаган деб топиш улуши ва амалга ошмаган деб топилган тақдирда акциялар учун қабул қилинган тўлов воситаларини қайтариш тартиби белгиланади.

3.7. Жамият қўшимча акцияларни жойлаштириш тўғрисидаги қарорда чиқарилаётган акцияларни жойлаштириш тартибини, яъни акциялар жойлаштирилишининг боришида фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузилишининг тартиби ва шартлари, жойлаштириш амалга ошириладиган бозорларни (биржа ёки биржадан ташқари, танқиллаштирилган ёки ташкиллаштирилмаган) белгилайди.

3.8. Жамият томонидан акцияларни жойлаштириш муддати уларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги керак.

3.9. Жамиятнинг акцияларига ҳақ тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда пул ва тўловнинг бошқа воситалари, мол-мулк шунингдек пулда баҳоланадиган ҳуқуқлар (шу жумладан ашёвий ҳуқуқлар) воситасида амалга оширилади.

б) Жамиятнинг устав капиталини камайтириш

3.10. Жамиятнинг устав капитали акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан камайтирилиши мумкин.

3.11. Агар устав капиталини камайтириш натижасида унинг миқдори конун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдоридан камайиб кетса, Жамият устав капиталини камайтиришга ҳақли эмас.

3.12. Устав капиталини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилган вақтда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав капитални камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

IV. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ

4.1. Жамиятнинг акциялари оддий эгасининг номи ёзилган эмиссиявий кимматли қоғозлар ҳисобланади.

V. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА ДИВИДЕНДЛАР ТЎЛАШ ТАРТИБИ

5.1. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа конуний тўлов воситалари ёхуд жамиятнинг кимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

5.2. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига муносиб равишда тақсимланади.

5.3. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Жамиятнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

5.4. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

5.5. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

VI. ЖАМИЯТНИНГ ЗАХИРА ФОНДИ

6.1. Жамият соф фойда ҳисобидан захира фондини ҳамда акциядорларнинг умумий йиғилишида аниқланадиган, жамият фаолияти учун зарур бўлган бошқа фондларни ташкил этади.

6.2. Жамиятнинг захира фонди, бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш ва жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади. Захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

6.3. Жамият устав капиталининг 15 фоизи миқдорда жамият захира фонди тузилади.

6.4. Жамият захира фондига ушбу уставнинг 6.3-бандида белгиланган миқдорга етгушига қадар ҳар йили соф фойдадан 5% миқдорида ажратмалар ўтказиб борилади.

6.5. Захира фонди тўлалигича ёки қисман сарфланиб бўлган ҳолларида, мажбурий ажратмалардан тикланади.

VII. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИНИНГ ТУЗИЛМАСИ

7.1. Жамият бошқарув органлари - Акциядорларнинг умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши ва Ижроия органи (бошқарув).

VIII. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМЙЙ ЙИҒИЛИШИ

8.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

8.2. Жамият ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугатганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

8.3. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар қиради:

- жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

- жамиятни қайта ташкил этиш;

- жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда орalik ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

- жамият кузатув кенгашининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

- эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

- жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш;

- жамиятнинг устав капиталини камайтириш;

- ўз акцияларини олиш;

- жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш) ва раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

- жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини (тафтишчисини) сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси (тафтишчи) тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

- жамиятнинг йиллик ҳисоботини, йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;

- жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

- жамият кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ўз ваколат доирасига қирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятнинг бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) хулосаларини эшитиш;

- жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида қарорни қабул қилиш;

- акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни сотиб олишда акциядорнинг имтиёзли ҳуқуқини қўлламаслик тўғрисида қарорни қабул қилиш;

- акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

- акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

- акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

- жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш;

- қонунчиликда белгиланган ҳолларда Жамият томонидан йирик битимлар ва жамият аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар жамиятнинг ижроия органи ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар жамиятнинг кузатув кенгаши ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

8.4. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш якунлари ушбу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай акциядорлар эътиборига етказилади.

8.5. Жамият акциядорлар умумий йиғилиши Жамиятнинг «Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида»ги Низом асосида чакирилади ва ўтказилади.

IX. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

9.1. Жамият Кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий рахбарликни амалга оширади, акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатига тааллуқли масалалар бундан мустасно.

9.2. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига куйидагилар киради:

- жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
- акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташкари умумий йиғилишларини чакириш, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно;
- акциядорлар умумий йиғилишининг қун тартибини тайёрлаш;
- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;
- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
- жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш масалаларини акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;
- мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
- жамиятнинг йиллик бизнес-режасини маъқуллаш. Бунда жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси жамият кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқулланиши лозим;
- ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;
- жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва жамият кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;
- аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш;
- жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;
- дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;
- жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;
- жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;
- жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;
- қонунчиликда белгиланган ҳолларда Жамият томонидан йирик битимлар ва жамият аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш.

9.3. Жамият Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Жамият Ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

9.4. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йиллик муддатга сайланадилар. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг сони 3 кишидан иборат.

9.5. Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига қўпайтирилади ва акциядор шу тарика олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки уларни икки

ва ундан ортик номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақлидир. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Жамият Кузатув кенгаши таркибига сайланган деб ҳисобланади.

9.6. Жамият Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаш аъзолари томонидан уларнинг ўзлари орасидан Жамият Кузатув кенгаши аъзолари умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан сайланади. Жамият Кузатув кенгаши ўз раисини жами аъзоларининг кўпчилик овози билан қайта сайлашга ҳақлидир.

9.7. Жамият Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади. Кузатув кенгаши мажлисларини чакиради ва уларда раислик қилади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади.

9.8. Жамият Кузатув кенгаши раиси йўқ бўлган ҳолларда унинг вазифасини Кузатув кенгаш аъзоларидан бири амалга оширади.

9.9. Жамият Кузатув кенгаши мажлислари унинг раиси томонидан ҳар чоракда камида бир марта чакирилади. Заруриятга кўра Жамият Кузатув кенгашининг навбатдан ташқари мажлислари ҳам ўтказилиши мумкин.

9.10. Жамият Кузатув кенгашининг қарори Кузатув кенгашга сайланган аъзоларнинг камида етмиш беш фоизи иштирок этганида қонуний ҳисобланади. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар қонунчиликда бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Жамият Кузатув кенгаши мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга. Жамият Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига ҳақли эмас. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган ҳолда, Жамият Кузатув кенгаши Раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

9.11. Жамият Кузатув кенгаши Жамиятнинг «Кузатув кенгаши тўғрисида»ги Низом асосида иш олиб боради.

X. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ

10.1. Жамиятнинг қундалик фаолиятига раҳбарлик ижроия органи – Бошқарув томонидан амалга оширилади.

10.2. Жамият ижроия органи (Бошқаруви) жамиятнинг ижро этувчи органи ҳисобланиб, унинг қундалик фаолиятини бошқаради ва оператив раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Жамият Устави, акциядорлар умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгашининг қарорларига мувофиқ амалга оширади.

10.3. Жамият ижроия органи акциядорлар умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгашига ҳисобот беради.

10.4. Жамиятнинг Бошқаруви аъзолари Кузатув кенгаши томонидан тайинланади ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади. Бошқарув аъзолари билан меҳнат шартномасини Жамият номидан Жамият Кузатув кенгаши раиси имзолайди.

10.5. Жамият Бошқарувининг ваколатларига Жамиятнинг қундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар қиради, акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатларига ёки Жамият Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

10.6. Жамият Бошқаруви акциядорлар умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

10.7. Жамият Бошқарув мазкур устав ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган «Ижроия органи тўғрисида»ги Низом асосида иш олиб боради.

10.8. Жамият Бошқарувининг ваколатларига қуйидагилар қиради:

- мазкур устав ва Жамият Кузатув кенгаши томонидан ўзига берилган ваколатларга мувофиқ Жамиятнинг ишига раҳбарлик қилиш;

- Жамият Кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этади;

- Жамият номидан ишончномасиз иш юритади ва унинг манфаатларини ҳимоя



килади;

- Жамият номидан битимлар тузади, жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлайди;

- штатларни тасдиқлайди, Жамият ходимларини ишга қабул қилади, улар билан меҳнат шартномаларини тузади ва бекор қилади, ва уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллайди, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлайди;

- Жамият номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни беради;

- Жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқаради ва қўрсатмалар беради;

- Жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлайди;

- Ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилади;

- акциядорлар умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил этади;

- амалдаги қонунчиликка мувофиқ Жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкил этилиши, зарур ҳолати ва ишончилигини, йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлайди;

- амалдаги қонун ҳужжатларига ҳамда Жамият ички ҳужжатларига риоя қилади.

10.9. Жамият Бошқарув раисининг ҳуқуқлари:

- жамиятнинг барча ҳужжатларидан жамият истиқболи йўлида эркин фойдаланиш;

- жамият номидан ва ҳисобидан қонунчиликда белгиланган тартибда имзо чекиш;

- жамиятни қундалиқ фаолиятини бошқариш юзасидан тегишли чоралар қўриш ва мавжуд муаммоларни бартараф этиш;

- жамият ходимлари билан ишга ёллаш ва ишдан озод этиш юзасидан шартномаларни тузиш ёки бекор қилиш;

- қонунчиликда ва жамият уставида белгиланган бошқа ҳуқуқлар.

10.10. Жамият Бошқаруви ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда жамият манфаатларини қўзлаб иш тутиши лозим.

10.11. Жамият Бошқаруви қонун ҳужжатларига ва ушбу уставга мувофиқ жамият олдида жавобгардир.

XI. ЖАМИЯТНИНГ ТАФТИШ КОМИССИЯСИ

11.1. Жамиятнинг молия-хўжалиқ фаолиятини назорат қилиш учун акциядорларнинг умумий йиғилиши тафтиш комиссиясини бир йил муддатга сайлайди. Жамият тафтиш комиссияси 3 кишидан иборат.

11.2. Жамият тафтиш комиссияси қонунчиликда белгиланган ваколатларга эга.

11.3. Жамият тафтиш комиссияси фаолиятининг тартиби акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган “Жамият тафтиш комиссияси тўғрисида”ги Низомда белгилаб қўйилади.

11.4. Жамиятнинг молия-хўжалиқ фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг, акциядорлар умумий йиғилишининг, жамият кузатув кенгашининг ташаббусига қўра ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига қўра жамият кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият якунлари бўйича амалга оширилади.

11.5. Жамият тафтиш комиссиясининг талабига биноан жамиятнинг Бошқарув органларидаги мансабдор шахслар молия-хўжалиқ фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тафтиш комиссиясига тақдим этишлари шарт.

11.6. Жамиятнинг тафтиш комиссияси амалдаги қонунчиликка мувофиқ

акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилишини талаб қилишга ҳақли.

11.7. Жамият тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида жамият Кузатув кенгашининг аъзоси бўлишлари, шунингдек жамиятнинг бошқарув органларида бошқа лавозимларни эгаллашлари мумкин эмас. Айти бир шахс айти бир жамиятнинг тафтиш комиссияси таркибига (тафтишчиликка) кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

XII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

12.1. Устав бўйича келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар акциядорларнинг ўзаро келишуви йўли билан амалдаги конун ҳужжатлари ва ушбу уставга асосан ҳал қилинади.

12.2. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш имконияти бўлмаган тақдирда улар тегишли равишда суд орқали ҳал қилинади.

12.3. Мазкур Устав Ўзбекистон Республикасининг конун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб кучга киради.

9 baparsga



“Рўйхатга олинган”

Тошкент шаҳар Сирғали туман ҳокимияти
Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан
ўтказиш инспекцияси томонидан
2014 йил “3” 12
06 - 000007 рақам билан



“Тасдиқланган”

“ASL OYNA”
акциядорлик жамияти
акциядорларнинг 2014 йил 28
ноябрдаги умумий йиғилиши
томонидан



“ASL OYNA” АЖнинг 2014 йил 16 июлда рўйхатга олинган уставига киритилаётган ўзгартириш
ва қўшимчалар матни

Эски таҳрир	Янги таҳрир
7.1. Жамият бошқарув органлари – Акциядорларнинг умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши ва Ижроия органи (бошқарув)	7.1. Жамият бошқарув органлари – Акциядорларнинг умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши ва Ижроия органи (Директор)
10.1 Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик ижроия органи – Бошқарув томонидан амалган оширилади.	10.1 Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик яқбабошлик асосидаги ижроия органи – Директор томонидан амалган оширилади.
10.2. Жамият ижроия органи (Бошқаруви) жамиятнинг ижро этувчи органи ҳисобланиб, унинг кундалик фаолиятини бошқаради ва оператив раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Жамият Устави, акциядорлар умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгашининг қарорларига мувофиқ амалга оширади.	10.2. Жамият ижроия органи (Директор) жамиятнинг ижро этувчи органи ҳисобланиб, унинг кундалик фаолиятини бошқаради ва оператив раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Жамият Устави, акциядорлар умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгашининг қарорларига мувофиқ амалга оширади.
10.4. Жамиятнинг Бошқаруви аъзолари Кузатув кенгаши томонидан тайинланади ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади. Бошқарув аъзолари билан меҳнат шартномасини Жамият номидан Жамият Кузатув кенгаши раиси имзолайди.	10.4. Жамиятнинг Директори Кузатув кенгаши томонидан тайинланади ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади. Директор билан меҳнат шартномасини Жамият номидан Жамият Кузатув кенгаши раиси имзолайди.
10.5. Жамият Бошқарувининг ваколатларига Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар қиради, акциядорлар умумий йиғилишининг мутлак ваколатларига ёки Жамият Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.	10.5. Жамият Директорининг ваколатларига Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар қиради, акциядорлар умумий йиғилишининг мутлак ваколатларига ёки Жамият Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.
10.6. Жамият Бошқаруви акциядорлар умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.	10.6. Жамият Директори акциядорлар умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.
10.7. Жамият Бошқарув мазкур устав ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган «Ижроия органи тўғрисида»ги Низом асосида иш олиб боради.	10.7. Жамият Директори мазкур устав ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган «Ижроия органи тўғрисида»ги Низом асосида иш олиб боради.
10.8. Жамият Бошқарувининг ваколатларига қуйидагилар қиради: - мазкур устав ва Жамият Кузатув кенгаши томонидан ўзига берилган ваколатларга мувофиқ Жамиятнинг ишига раҳбарлик қилиш; -	10.8. Жамият Директорининг ваколатларига қуйидагилар қиради: - мазкур устав ва Жамият Кузатув кенгаши томонидан ўзига берилган ваколатларга мувофиқ Жамиятнинг ишига раҳбарлик қилиш; -

- амалдаги қонун ҳужжатларига ҳамда Жамият ички ҳужжатларига риоя қилади.	- амалдаги қонун ҳужжатларига ҳамда Жамият ички ҳужжатларига риоя қилади.
10.9. Жамият Бошқарув раисининг ҳуқуқлари: - жамиятнинг барча ҳужжатларидан жамият истикболи йўлида эркин фойдаланиш; - - қонунчиликда ва жамият уставида белгиланган бошқа ҳуқуқлар.	10.9. Жамият Директорининг ҳуқуқлари: - жамиятнинг барча ҳужжатларидан жамият истикболи йўлида эркин фойдаланиш; - - қонунчиликда ва жамият уставида белгиланган бошқа ҳуқуқлар.
10.10. Жамият Бошқаруви ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим.	10.10. Жамият Директори ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим.
10.11. Жамият Бошқаруви қонун ҳужжатларига ва ушбу уставга мувофиқ жамият олдида жавобгардир.	10.11. Жамият Директори қонун ҳужжатларига ва ушбу уставга мувофиқ жамият олдида жавобгардир.
11.5. Жамият тафтиш комиссиясининг талабига биноан жамиятнинг Бошқарув органларидаги мансабдор шахслар молия-ҳўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тафтиш комиссиясига тақдим этишлари шарт.	11.5. Жамият тафтиш комиссиясининг талабига биноан жамиятнинг директори молия-ҳўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тафтиш комиссиясига тақдим этишлари шарт.
11.7. Жамият тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида жамият Кузатув кенгашининг аъзоси бўлишлари, шунингдек жамиятнинг бошқарув органларида бошқа лавозимларни эгаллашлари мумкин эмас. Айти бир шахс айти бир жамиятнинг тафтиш комиссияси таркибига (тафтишчиликка) кетма-кет уч мартадан ортик сайланиши мумкин эмас.	11.7. Жамият тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида жамият Кузатув кенгашининг аъзоси бўлишлари, шунингдек жамиятнинг директори лавозимини эгаллашлари мумкин эмас. Айти бир шахс айти бир жамиятнинг тафтиш комиссияси таркибига (тафтишчиликка) кетма-кет уч мартадан ортик сайланиши мумкин эмас.

Директор



Ким Валерий Николаевич


“Рўйхатга олинган”

Тошкент шаҳар Сирғали туман ҳокимияти
Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан

ўтказиш инспекцияси томонидан

2015 йил “25” 06

06-00021 рақам билан



“Тасдиқланган”

“ASL OYNA”

акциядорлик жамияти
акциядорларнинг 2015 йил
25 июндаги умумий йиғилиши
томонидан

“ASL OYNA” АЖнинг 2014 йил 16 июлда рўйхатга олинган уставига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар матни

Эски тахрир	Янги тахрир
3.2. Жамиятнинг устав капитали 1 392 770 000 сўмни ташкил қилиб, у ҳар бирининг номинал қиймати 1 000 сўм бўлган 1 392 770 дона оддий акцияларга бўлинган.	3.2. Жамиятнинг устав капитали 31 392 770 000 сўмни ташкил қилиб, у ҳар бирининг номинал қиймати 1 000 сўм бўлган 31 392 770 дона оддий акцияларга бўлинган.
3.3. Жамиятнинг устав капитали акциялар номинал қийматини ошириш ёки қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан қўпайтирилиши мумкин.	3.3. Жамиятнинг устав капитали қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан қўпайтирилиши мумкин.
3.5. Жамият устав капиталини ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялар миқдори – номинал қиймати 1 000 сўм бўлган 50 000 000 дона оддий акциялардан иборат.	3.5. Жамият устав капиталини ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялар миқдори – номинал қиймати 1 000 сўм бўлган 20 000 000 дона оддий акциялардан иборат.
10.4. Жамиятнинг Директори Кузатов кенгаши томонидан тайинланади ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади. Директор билан меҳнат шартномасини Жамият номидан Жамият Кузатов кенгаши раиси имзолайди.	10.4. Жамиятнинг Директори Кузатов кенгаши томонидан тайинланади ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади. Жамият директорини тайинлаш тўғрисидаги қарор, хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилиниши мумкин. Директор билан меҳнат шартномасини Жамият номидан Жамият Кузатов кенгаши раиси имзолайди.

Директор



Ким Валерий Николаевич